Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига мусулмон бўлиш учун бордим. Улар менга сув ва сидр билан ғусл қилишни буюрдилар

Қайс Ибн Осим разияллоҳу анҳу айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига мусулмон бўлиш учун бордим. Улар менга сув ва сидр билан ғусл қилишни буюрдилар».

[Саҳиҳ] [Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривояти]

Қайс ибн Осим Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига исломни истаб келдилар. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сув ва сидр дарахти барги билан ювинишга буюрдилар. Чунки, унинг барглари тозаланиш учун ишлатиларди ва унда хушбўй ҳиди бор эди.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65085